

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI
QONUNCHILIK PALATASI VA MAHALLIY
KENGASHLAR DEPUTATLARI SAYLOVIGA

15

KUN GOLDI

SAYLOV 2024 27-OKTABR

MENING TANLOVIM — OBOD VATANIM!

Ўтаётган ҳар бир кунимиз бизни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органлари сайловига тобора яқинлаштирмоқда. Мазкур сайлов сиёсий партиялар, айниқса, депутатликка номзодлар учун катта синов бўлиши аниқ.

“Адолат” СДП сайловда муносиб номзодлар билан қатнашмоқда. Сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари партиянинг барча ижроия тизимида қизғин паллага қиряпти, аҳоли орасида “Адолат” танилувчанлиги ортаяпти.

Партия етакчиси Робахон Махмудова партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари, янги Сайловолди дастур мазмун-моҳияти, ундаги долзарб аҳамиятга эга таклиф ва ғояларни кенг тушунтириш, тарғиб-ташвиқ қилиш борасида ҳудудлардаги сайловчилар, аҳоли вакиллари билан учрашмоқда.

2-3



Биргалликда АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ҚУРАМИЗ

Робахон Махмудова Наманган, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида сайловчилар билан учрашди





Биргалликда АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ҚУРАМИЗ

1 Робохон Махмудова бу сарфар “Гуллар шаҳри” номи билан Наманганда бўлиб, ҳудуд сайловчилари билан учрашди. Сиёсий Кенгаш раиси ишни Наманган муҳандислик-технология институтининг 50 йилдан ортиқ тарихида жойлашган партиянинг тартиб-ташвиқот пункти фаолияти билан танишишдан бошлади.

Қайд этиш жоизки, пункт партиянинг “Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари!”, “Адолат” – ҳар бир инсон учун! шорларини ўзида акс эттирган кўргазмалари, янги Сайловолди дастур ҳамда утган 5 йилликда олиб борилган ишлар ҳақида маълумот беришни сиёсий-услубий қўлланмалар билан бойитилган.

Партия фаоллари томонидан институт талаба-ёшларига “Адолат” СДП ғоялари, мақсад ва вазифалари, сайловдаги иштироки, депутатлар фаолияти юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб берилмоқда. Талабаларнинг катта қисми янги Сайловолди дастурда олий таълим соҳасини ривожлантириш йўналишида акс этган “Қафолатланган биринчи иш жойи” лойиҳаси ҳамда ҳар бир олийгоҳда талабалар сонига мос равишда “Талабалар турар жойлари”ни барпо этиш тақдирини амалга ошириш ҳар жиҳатдан керакли ва улар учун манфаатли эканини таъкидлашди.

Институтимизда “Адолат” партиясининг тарғибот-ташвиқот пункти билан танишишди, – деди талаба Расулбек Бахтиёр. – “Адолат” келгуси беш йиллик учун Сайловолди дастурда олий таълим соҳасини ривожлантириш бўйича бир қатор долзарб ва муҳим тақдирларни илгари суради. Улар орасида, албатта, “Қафолатланган биринчи иш жойи” лойиҳаси алоҳида эътиборга лойиқ. Афсуски, ҳозирги кунда олий таълимни татомлашган кўпгина ёшлар иш билан таъминланган кўпчиликларга дуч келмоқда. Бу масала нафақат таълим, балки иқтисодий ривожланишга ҳам таъсир қилади. Ёшлар ўқишни тугатган, ўз соҳасида иш топа олсалар, уларнинг билимларидан самарали фойдаланилади ва бу мамлакатимиз иқтисодиётига ҳисса қўшади. “Қафолатланган биринчи иш жойи” лойиҳаси еш муваффақиятларининг меҳнат бозорига интеграция қилинишини оsonлаштиради. Бу, ўз навбатида, ишсизлик даражасини камайтиришга хизмат қилади. Лойиҳа ёшларга келажакка ишонч бағишлайди, уларнинг потенциалидан фойдаланиш имконини беради ва ижтимоий барқарорликка ҳисса қўшади.

Робохон Махмудова пункт фаолиятини яқиндан кузатиб, маъсулларга уни янада такомиллаштириш, техник жиҳозланишини яхшилаш, ахборот тарқатиш материалларини доимий янгилаб туриш, замонавий технологиялардан фойдаланиш бўйича тақдирлар берди. Мисол учун, интерактив экранлар, видеороликлар ва ижтимоий тармоқларда фаол тарғибот материаллари тайёрлаш, бугунги ёшларнинг қизиқишларига жавоб берадиган форматлар яратиш муҳимлигини қайд этди.

Тарғибот ишларини самарали олиб бориш учун, энг аввало, ёшлар билан жонли мулоқот қилишни кучайтириш зарур. Бугунги ёшлар фақат пассив тингловчи эмас, балки ташаббускор ва саволларига аниқ жавоб олмақчи бўлган фаол шахслардир. Шунинг учун ҳар бир учрашу мазмунли ва қизиқarli бўлиши, бугунги кунда ахборот тезкор ва жозибали бўлиши керак. Ақлли одам керакли гапни кам сўз билан айтади, деган фикрни унутмайлик. Биз замонага ҳамнафас бўлишимиз, ёшларнинг фикрини эши-

тишимиз керак, чунки келажак – уларнинг қўлида, – деди партияимиз етакчиси.

Шундан сўнг Робохон Махмудова Наманган муҳандислик-технология институтининг 50 йилдан ортиқ тарихи ўзида акс эттирган маълумот ва кўргазмалар билан танишди. Институт ректори Одилжон Маматқаримов 1968 йилда ташкил топган олийгоҳ фаолияти бўйича партия етакчисига маълумот берди.

Таъкидланганидек, институт фаолиятининг асосий йўналишлари тўқимачилик, энгил саноат ва матбаа саноати тармоқлари, озик-овқат маҳсулотлари технологияси, электр-энергетика технологияси учун машина ва асбоб-ускуналар, кимё технологиялари, технологик жараёнларни автоматлаштириш, манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлашдан иборат.

Уқув даргоҳида дастлаб талабалар сони 750 нафар бўлган бўлса, ҳозирги кунда 3500 нафардан ортиқни ташкил қилади. Айни пайтда бу ерда 23 та таълим йўналишида бакалавр ва 7 та мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланмоқда.

Кўннинг иккинчи ярмида партия етакчиси иштирокида институт фаоллар залида “Адолат” СДПнинг 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури мазмун-моҳиятига бағишланган учрашу бўлиб ўтди. Унда партия Марказий аппарати масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодлар, сайловчилар, фаол ёшлар ва ОАВ вакиллари иштирок эттишди.

Учрашуни вилоят Кенгаши раиси Исроилжон Жўраев очди ва 27 октябр кунини бўлиб ўтадиган сайловларни юқори савияда ўтказиш бўйича амалга оширилатган ишлар ҳақида ахборот берди.

Шундан сўнг Робохон Махмудова “Адолат” СДПнинг 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури мазмун-моҳияти мавзусида маъруза қилди.

Маъруза аввалида Сиёсий Кенгаш раиси Наманган ахли шаънига илиқ сўзлар айтиб, жумладан, шундай деди: “Ҳаммамизга жуда яхши маълумки, Наманган қадимдан кўпкўп истеъдод эгаларининг парвозига қанот берган илоҳий бир маскан. Бу кўхна юртда туғилиб ўчоқ қилган Маҳдуми Аъзам Қосоний, Бобораҳим Машираб, Фазлий, Нодим Намангоний, Исҳоқон Ибрат, Муҳаммадшариф Сўфизода сингари шоир ва маърифатпарварларнинг номларини халқимиз ҳурмат билан тилга олади. Миллий уйғониш даврининг етук намоёндаларидан бири, Ватан ва халқ истиқлоли учун жонини фидо қилган улўғ жадид бобомиз Ибрат домла нафақат ўзи туғилиб ўсаган Тўрақўрган заминини, балки бутун Наманганни Марказий Осиёга, қолаверса, дунёга машҳур этганини ўзгача фахр билан тилга оламиз”.

Қайд этилганидек, Сайловолди дастурга энг таъсирчан ва қудратли мафқулардан бўлган социал-демократиянинг илғор миллий ва хорижий тажрибалари, иккинчи томондан эса, замонавий социал-демократиянинг адолатлилик, эркинлик, тенглик ва бирдамлик каби халқчил ғоялари, мақсад ва вазифалари миллий кадриятларимизга уйғун ҳолда сингдирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, охириги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий соҳаларда улкан ислохотлар амалга оширилди. Халқимизнинг ижтимоий турмуш даражаси

анча ўсди. Иқтисодий ҳаётда изчил тарққиёт кузатилмоқда. Кўплаб йирик корхоналар курилиб ишга туширилди. Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш жараёнлари анча чуқурлашди. Иқтисодий ва сиёсий ҳаётда либераллаштириш жараёнлари авж олди.

Шу билан биргалликда бу ривожланиш одимларини изчил давом эттириш, йўлимизга ғов бўлаётган айрим тўсиқларни олиб ташлаш давр талабига айланди. Шу муносабат билан “Адолат” партияси ўз олдига яқин ва ўрта муддатли стратегик вазифаларни қўйди ва уларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқди.

Дастур “ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ВА АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ САРИ!” деб номланиши социал-демократиянинг жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтиришга қаратилган ғояларига тўлиқ мос келади. Бу борада партия ҳуқуқий давлат барпо этиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, иқтисодий-ётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, коррупцияга қарши мурасиз курашиш каби йўналишларда қатор вазифаларни белгилаб олганлиги ҳам дастурнинг номланиши ва унинг мазмуни ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади.

– Биз бюджет маблағларидан оқилонга фойдаланиш мақсадида давлат харидларига оид қонунчиликни такомиллаштириш, давлат бюджетни даромадлари ва харажатлари билан боғлиқ барча жараёнларни рақамлаштириш ва очиклаш, коррупция билан боғлиқ жиноятлар, айниқса, талон-тарож ҳолатлари учун жазони кучайтирувчи, етказилган зарарларни ўн баробар миқдорда ундиришни назарда тутувчи нормаларни қонунчиликка киритишни тақдир қиламиз. Биз давлат маблағларига

дислик-технология институтининг молия-иқтисод ишлари бўйича проректори Саҳобиддин Султонов. – Бу борада кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Лекин ёшларимизнинг замонавий илмларни ўзлаштиришлари учун янада кўпроқ шaroит яратишимиз кераклигини замон талаб қилмоқда. Бунинг учун, аввало, ўқитувчиларнинг меҳнатини муносоиб рағбатлантириш, уларнинг ижтимоий ҳола-

ти яхшилашга ҳам эътибор қаратишимиз зарур. Шунингдек, ёшларимиз учун ҳарбий кафедралар ташкил этиш ва бу орқали уларнинг ҳарбий тайёргарлигини кучайтиришни замон тақазо этмоқда. Ёшлар орасида китобхонлик маданиятини ривожлантириш ҳам партияимизнинг муҳим мақсадларидан бири ҳисобланади, бу мақсадни амалга ошириш учун рағбатлантириш чораларини излаб топишимиз керак бўлади.

– Партиядошларимиз орасида етук сиёсатчилар, жонқур фаолла-

бўлади. Шунда чет элга ишга борадиган ёшларни касба тўғри йўналтириш ва уларнинг юзага келиши мумкин бўлган қутилмаган муаммоларига ечим топиш осонроқ кечади. Яна бир орқили нукталардан бири қизларни эрта турмушга узатиш масаласи бўлиб турибди. Бунда ҳам маҳаллага сўянмасас бўлмайди. Токи қизларимиз оила тебратиш, соғлом фарзандни дунёга келтиришга тайёр

лат бўлмайди. Шунга кўра, Сайловолди дастурда партия қонунларни ижро этиш жараёнида уларга нисбатан ҳар қандай формал муносабатда бўлиш ва бунинг натижасида адолатга путур етказиш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича доимий фаолиятини йўлга қўйиш керак бўлади.

Шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзод,



бўлмас эканлар, қўйди-чиқди масаласи кўнодлик бош орғиги бўлиб қолмаверади. Бу муаммони бартараф этиш учун ҳам маҳалларда турмушга тайёрлайдиган ва касб-хунар ўраатадиган марказлар ташкил этиш зарур. Турмуш курадиан келин ва кўёлар ўртасида, албатта, никоҳ шартномасини тузишни қонунда белгилаб қўйиш ва айбдор томонга нисбатан кескин чоралар қўллаш керак, деб ўйлайман.

– Фаолиятим давомида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари билан

Наманган давлат университетининг таянч докторанти Истора Жўраева партиянинг таълим соҳасини янада ривожлантириш, ўқитувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга шaroитлар яратиш, ижтимоий муҳофазасини яхшилашга қаратилган тақдир-ташаббусларни қўллаб-қувватлади. Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлигига номзод, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси Нозима Акбарова ёшлар ҳамда партиянинг бош кўбини бўлиб келаятганиги, партия дастурларида уларни ҳаммаши қўллаб-қувватлаб, зарур шaroитлар яратилаётгани ва бунга жавобан фаол бўлиш фикрини айтиб ўтди.

Учрашувда халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлигига номзод, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси, “Мард ўлгон” нишонини соҳиби Сарварбек Муродиллаев ўзининг раҳбарлиги остидаги спорт мактабига тарбия топётган йигит-қизлар спортнинг 22 турти бўйича юрт байроғини юксакларга кўтаришгани, айни пайтда мазкур спорт мактабидан Ўзбекистон чемпиони ва кубоги совриндорлари, Осиё ва Европа чемпиони ятишиб чиққанини фахр билан тилга олди. Спортнинг бир неча тури бўйича ёшлар Ўзбекистон терма жамоалари таркибига қабул қилинган ва уларнинг кўпчилиги олий даргоҳларда ўқишни давом эттириш билан бирга спорт мусобақалари иштирокчиси сифатида ўз олийгоҳлари шарафини ҳимоя қилаётгани ҳақида гурур билан гапираркан, бўлажак сайловларда партияимизнинг ҳам чемпион бўлишини тилади.

Сиёсий Кенгаш раиси учрашу яқинида 27 октябр кунини бўлиб ўтадиган сайловда наманганликлар фаоллик кўрсатиб, партияга ва унинг номзодларига бирдамликда овоз беришларига ишонч билдирди.

Шу кунини Робохон Махмудова партия фаоллари, номзодлар ва ёшлар билан биргалликда Тўрақўрган туманида жойлашган жадид адабиётнинг таниқли намоёндаси Исҳоқон Тўра Ибрат ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, унга эҳтиром кўрсатди. Сўнг тадбир иштирокчилари Қатагон қурбонлари ва Ибрат уй-музейларида бўлиб, кўргазмалар билан танишишди.

Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати



қилган тажовузни Ватанга хиёнат сифатида баҳолаймиз ва талон-тарожликнинг ҳар қандай кўринишини қатъий жазолаш принципини илгари сурадим, – деди партия етакчиси.

Маъруза юзасидан ва янги Сайловолди дастур бўйича кечган музокараларда партия фаоллари, турли соҳа вакиллари, депутатликка номзодлар ўз фикрларини баён этди.

– Чиндан ҳам ёшларга замонавий таълим бериш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш учун сифатли таълим-тарбия тизимини тўқибдан янгилаш керак, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод, Наманган муҳан-

римиз жуда кўп, – деди республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Мусохон Олпоқов. – Бундай фидойи кишиларимизнинг меҳнатини эътироф этиш ва ўз ўрнида рағбатлантириб бориш зарур. Шунинг учун мен “Адолат фидойиси” кўкрак нишонини таъсис этиш тақдирини билдираман. Мену кўпдан бери миерантлар масаласи йўналтириб келади. Бу борада ечимини кутаётган муаммолар кўп ва уларга ечим маҳалладан топилади. Маҳалла ахли шу ерда туғилиб ўсаган ўғил-қизларнинг ҳаёти, оиласи ва турмуш-тарзини яхши билади. Шунинг учун маҳалларда юридик маслаҳатхоналар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ

ишлаш жараёнида давлат органлари мансабдор шахслари томонидан коррупциявий ҳолатлар, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйлаётганлигига кўп бора дуч келганман, – деди вилоят адлия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Улуғбек Исмаилов. – Шу ўринда, “Адолат” социал демократик партияси ўзининг Сайловолди дастурда ҳам коррупцияга қарши курашишга доир вазифалар белгилашни, коррупцияга қарши курашиш – устувор вазифа сифатида қаралишини тўғри, деб баҳолайман. Чунки коррупция бор жойда тарққиёт бўлмайди, коррупция бор жойда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги поймол этилади, адо-



ТОШКЕНТ ШАҲРИ. "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова Тошкент давлат педиатрия тиббиёт институтида сайловчилар билан учрашди

Сайловлар ҳар бир демократик давлатнинг сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу жараён, фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини амалга ошириш, ижтимоий ва иқтисодий масалаларда ўз позициясини белгилаш имконини беради, шунингдек, фуқароларнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаб, ўз овози орқали ижтимоий ўзгаришларга таъсир кўрсатишга хизмат қилади. "Адолат" СДП сайлов кампаниясида фаол иштирок этишни ўзининг устувор вазифаси сифатида белгилаб, уни янги тўлқин билан олиб борапти.

Айни кунларда партия етакчиси Робохон Махмудова жамиятдаги турли қатлам вакиллари билан фаол мулоқотни таъминлаш, партиянинг мақсадлари ва янги Сайловолди дастурини кенг оммага етказиш, сайловчилар билан яқин алоқа ўрнатиш, уларнинг муаммоларини тинглаш ва эҳтиёжларини аниқлаш мақсадида учрашувлар ўтказмоқда. Тошкент давлат педиатрия тиббиёт институтида ўтказилган навбатдаги шундай учрашувда партиянинг олий таълим, соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ соҳаларидаги муҳим тақдир ва ғоялари қизгин муҳокама қилинди.

Робохон Махмудова учрашув ўтказилаётган манзилга партиянинг тарғибот-ташвиқот тадбирларига мўлжалланган махсус автобусида етиб келди.

Даставвал партия етакчиси олийгоҳ қошидаги музей фаолияти билан танишди. Робохон Махмудовага ҳамроҳлик қилган институт ректори Ботир Даминов Тошкент давлат педиатрия тиббиёт институти тарихи, илмий салоҳияти, олий таълим тизимида олиб борилаётган ўзгаришлар ва талаба-ёшлар ютуқлари буйича маълумот берди.

Шундан сўнг Сиёсий Кенгаш раиси институт фаоллар залида "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши масъуллари, депутатликка кўрсатилган номзодлар, профессор-ўқитувчилар, партия фаоллари, талабалар ва ОАВ вакиллари билан учрашди. Учрашувни "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Муҳаррам Дадаходжаева кириш сўзи билан очиб, шаҳар кенгаши томонидан сайлов кампанияси даврида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, пунктлар фаолияти, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари юзасидан маълумот берди.

Жумладан, сайловчиларни "Адолат" СДП номзодлари, партиянинг асосий ғоя ва тақлифлари, 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури билан таништириш буйича ўтказилаётган тадбирлар изчилликда давом этаётганини қайд этди.

Шундан сўнг Сиёсий Кенгаш раиси Робохон Махмудова тиббиёт соҳасида мамлакатимизда асосий таянч олий таълим муассасаларидан бири бўлган мазкур олийгоҳдаги ўқитувчи-профессорлар, бўлажак педиатрларга "Адолат" СДПнинг 2025-2029 йилларга мўлжалланган янги Сайловолди дастури мазмун-моҳияти, хусусан, тиббиёт соҳаси буйича акс этган ғоя ва тақлифлари юзасидан сўз юритди.

Бунда "Ақлли тиббиёт" тизимининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиб, соғлиқни сақлаш тизимини тўлиқ рақам-

лаштириш, "Электрон поликлиника" ва "Ягона электрон анкета" тизимларини йўлга қўйиш, тиббиёт даромад олиш манбаига айланиб қолмаслиги учун нодавлат тиббиёт ташкилотларини "тижорат ташкилоти"дан нотижорат ташкилотга ўтказиш, хусусий тиббиёт, таълим ва овқатланиш корхоналарида санитария-эпидемиология назорати амалга оширилишини кучайтириш орқали аҳолини заҳарланиш ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш каби муҳим масалаларнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида сўз юритди.

Таъкидланганидек, "Ақлли тиббиёт" тизимининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш соғлиқни сақлаш соҳасини рақамлаштириш учун муҳим қадам ҳисобланади. Бугунги кунда электрон технологияларни жорий қилиш орқали тиббиётни такомиллаштиришнинг аҳамияти ниҳоятда ортиб бормоқда. "Электрон поликлиника" ва "Ягона электрон анкета" тизимлари орқали пациентларга тиббий хизматларни самарали ва тезкор тақдим этиш имкони яратилади, бу эса соғлиқни сақлаш тизимини жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, тиббиёт даромад олиш манбаига айланиб қолмаслиги учун нодавлат тиббиёт ташкилотларини "тижорат ташкилоти"дан нотижорат ташкилотга ўтказиш зарур. Бу, ўз навбатида, тиббий хизматлар сифати ва дастурларнинг умумий самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Нодавлат тиббиёт ташкилотлари доимий равишда фуқароларнинг соғлиғи учун хизмат қилиши керак, бу эса уларнинг ижтимоий маъсулиятини оширади.

Хусусий тиббиёт, таълим ва овқатланиш корхоналарида санитария-эпидемиология назоратини кучайтириш аҳамияти ҳам катта. Ушбу назорат механизмлари орқали аҳолини заҳарланиш ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш учун зарур чоралар кўрилади. Институтлар ва корхоналар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, санитария нормаларига риоя қилиш, муаммоларни аниқлаш ва уларни тезкор ечиш учун механизмларни жорий этиш муҳим.

Шу билан бирга, аҳолининг тиббий маълумотларга эга бўлиши, уларнинг соғлиқлари мунтазам кузатиб борилиши, ижтимоий соғлиқни сақлашдаги аҳамиятини оsonлаштирилади. Электрон тиббиёт тизими аҳоли тўғрисида маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва даволаш жараёнларини мувофиқлаштириш учун ҳамда фуқароларни тиббий профилактика тадбирларига жалб қилишга қўмақлашади.

Учрашувда сайловчиларга шаҳар кенгаши томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига кўрсатилган номзодлар таржимаи ҳоли, фаолияти ва Сайловолди дастурлари таништирилди. Учрашув якунида Робохон Махмудова бу йилги янги-ча, аралаш тизимда ўтадиган сайловларда сиёсий партиялар ўртасидаги ўзаро рақобат, ғоявий кураш янада юқори даражага кўтарилишини инобатга олиб, сайловчиларни фаол бўлишга чақирди.

Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати



Робохон Махмудова қорақалпоғистонлик сайловчилар билан учрашди



Хабарингиз бор, мамлакатимиздаги сиёсий жараёнлар ўзининг шиддатли даврига кириб, халқ манфаатларини юксалтиришга қаратилган сайловолди кампанияси доирасидаги тарғибот-ташвиқот ишлари сиёсий партиялар томонидан фаол олиб борилаётган. Бу жараёнда "Адолат" СДП ўзининг барқарор ғоялари ва янги Сайловолди дастури орқали халқ билан яқин алоқани мустаҳкамлаб, адолат ва тенглик устуворлигини таъминлашга қаратилган фаолиятини янада кучайтиряпти.

Айни кунларда партия етакчиси Робохон Махмудованинг турли ҳудудларда бўлиб, тиббиёт ва таълим соҳаси вакиллари ҳамда сайловчилар билан мунтазам ўтказиётган учрашувлари бунга ёрдам берди. Бу учрашувлар фуқаролар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, уларнинг муаммо ва тақлифларини ўрганиш имконини беради.

Энг муҳими, шу орқали партия аҳоли билан яқин алоқа ўрнатиш, уларнинг ҳақиқий эҳтиёжларига асосланган қарорларни қабул қилишга ёрдам беради. Фуқароларнинг фикр ва тақлифлари партиянинг сиёсатини самарали шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Партиянинг асосий мақсади – ҳар бир фуқаронинг манфаатини ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳаётини яхшилашдир.

Мазкур устувор режа ва мақсадлар доирасида Қорақалпоғистон Республикасида Сиёсий Кенгаш раисининг сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашуви таълим ва тиббиёт соҳалари вакилларига бағишлангани ҳам бежиз эмас. Чунки партия раҳбари фаоллар, электрот вакилларининг муаммолари ва тақлифлари билан ишлаш, фикрларини тинглашга жамият равақининг асосий мезони сифатида қарайди.

Дастлаб, Сиёсий Кенгаш раиси Қорақалпоғистон тиббиёт институтидаги "Адолат" СДП тарғибот-ташвиқот пункти фаолиятини ўрганди. Қайд этиш жоиз, ушбу пункт партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан ташкил этилган бўлиб, маҳаллий сайловчиларга партиянинг асосий ғоялари ва мақсадларини тушунтиришга мўлжалланган.

Танишув жараёнида партия етакчиси сайловчилар билан тўғридан-тўғри мулоқотнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Мулоқот орқали сайловчиларнинг фикрлари, тақлифлари ва эҳтиёжлари аниқланади, бу эса партиянинг сиёсий стратегиясини самарали шакллантиришга ёрдам беради.

Бу жараённинг муҳимлиги шундаки, партия фаоллари фуқаролар билан яқин алоқа ўрнатиш орқали уларнинг муаммоларини тинглаш ва ҳал этиш учун аниқ тақлифлар олиш имконини беради. Танишув давомида тақдим этилган медиа маҳсулотлар, ўтган беш йилда амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар фуқароларнинг партияга бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Бундан ташқари, тарғибот-ташвиқот воситаларидан самарали фойдаланиш, тарқатма ва флаерларни кенг қўламда тарқатиш партия мақсадларини кенг аудиторияга етказиш учун муҳим механизмлардан биридир. Ушбу жараён партия фаолияти самарадорлигини ошириш, сайловчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва уларнинг фикрларини инобатга олиш орқали самарали сиёсий муҳит яратишга хизмат қилади.

Куннинг иккинчи ярмида партия етакчиси олийгоҳ фаоллар залида "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бир мандатли округлардан ҳамда маҳаллий Кенгашларга кўрсатилган номзодлар, тиббиёт соҳаси вакиллари, партия фаоллари, ёшлар ва ОАВ вакиллари билан учрашди.

Учрашув партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Нурлибой Қаипбергеновнинг кириш сўзи билан бошланди. У ўз нутқида сайлов кампанияси даврида партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан амалга оширилаётган тадбир ва лойиҳалар, янги Сайловолди дастур тарғиботи ва ташвиқот ишлари ҳақида маълумот берди.

Тадбирда партия етакчиси Робохон Махмудова сўзга чиқиб, "Адолат" СДПнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги устувор вазифаларини аниқ ва тушунарли тарзда баён қилди. "Биз соғлиқни сақлаш тизимида адолатни қарор топтириш, ҳар бир фуқаронинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлаш тарафдоримиз. Тиббиёт ходимларининг меҳнат шaroитларини яхшилаш ва уларнинг

ижтимоий ҳимоясини кучайтириш партия дастурининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган", дея алоҳида таъкидлади.

Қайд этилганидек, "Ақлли тиббиёт" тизимини ривожлантириш ва соғлиқни сақлаш соҳасини тўлиқ рақамлаштириш бугунги куннинг муҳим талаби ва у беморларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида илгари суриляпти.

Учрашув давомида Қорақалпоғистонда тиббиёт соҳасини ривожлантиришда сўнгги йилларда амалга оширилган илоҳотлар буйича Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбари Г.Абдусаметова маълумот берди. Шунингдек, тадбирда парламент ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар сўзга чиқиб, ўз Сайловолди дастурларини йиғилганларга таништирди.

Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Шахзада Абдираманова ўз Сайловолди дастурида мамлакат иқтисодий фаолияти натижасида юзга келган даромадларни адолатли тақсимлаш тизимини яхшилаш иқтисодий-ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш, айниқса, соғлиқ соҳасининг прогрессив ставкаларини ҳаётга таъбиқ этиш ва бу орқали даромадлар тенгсизлигини камайитиш зарурлигини таъкидлади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши депутатлигига номзод Яхшибека Абдуллаева партия Сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда тайёрланган Сайловолди дастурида аҳолининг турмуш шарoитини яхшилаш, уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, бандлик ва бошқа масалаларни қонунчилик доирасида бартараф этиш устувор вазифа этиб белгилангани хусусида сўз юритди.

Шунингдек, учрашув жараёнида Сайловолди дастуридаги фармацевтика соҳасини тартибга солиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳам қамраб олинганлиги, хусусан, фармацевтика ва тиббиёт ходимлари орасидаги яширин келишув ва ноқонуний мулоқотга чек қўйиш, фармацевтларнинг тиббиёт муассасаларига ғаразли ҳомийлигини тўлиқ тақиқлаш, бу каби ҳаракатлар учун жиддий жавобгарлик белгилаш масаласи қизгин қўллаб-қувватланди.

Учрашув сўнггида ёшлар ва тиббиёт ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга партия вакилларидан жавоб олишди.

Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати



КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ —

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ КАФОЛАТИ

"Адолат" СДПнинг "Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари!" деб номланган янги Сайловолди дастурида келгуси беш йилликда партия олдида турган устувор вазифа сифатида жамиятда ижтимоий адолат тамойилини қарор топтириш белги-ланган.

Муҳаммадjon ВАЛИЕВ, Ойдин АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон "Адолат" СДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар

Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва бу йўналишда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида дастурда "Ижтимоий давлат – 2030" дастурини ишлаб чиқиш белгиланган. Ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шaroитини яратиб бериш, ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат моделидир.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ушбу мақсадни амалга ошириш учун ўз дастурида аҳоли ўртасида кескин табақаланишнинг олдини олиш, бунинг учун ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа чораларни кўриш лозим деб ҳисоблайди. Қолаверса, партия аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим йўналиши бўлган фуқароларнинг уй-жойли бўлишга оид конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратган.

Маълумки, сўнгги йилларда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали даромади юқори бўлмаган ҳамда уй-жой шaroитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёшлар ва бошқа аҳоли қатламларига қўмақлаштириш ва уй-жой шaroитларини яхшилашга муҳтож оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда манзиллилик ва шаффофликни таъминлашга қаратилган бир қатор самарали механизмлар жорий қилинди.

Хусусан, субсидиялар учун ажратилган маблағларни ўзлаштириш жараёнини тезлаштириш мақсадида субсидия хабарномасининг мuddати 12 ойдан 4 ойгача қисқартирилди. Шу билан бирга, субсидияни ўз вақтида ишлатмаган шахслар учун субсидия олиш учун қайта мурожаат қилиш ҳуқуқи сақланиб қолди.

Аммо ушбу жараёнларда тадбиркорларнинг субсидия асосида уй сойти билан боғлиқ жараёнлардаги бюрократик тўсиқлар ҳамда рақамлаштириш жараёнларининг кенг қўлланилмаслиги айрим ҳолатларда тадбиркорларни ўзлари қурган уйларни субсидия асосида сотишдан чекламоқда.

Биз субсидияларни фақатгина давлат ҳисобидан эмас, балки қурилиш компанияларини ҳам бу жараёнга жалб қилган ҳолда амалга оширишни тақлиф этмоқдамиз. Хусусан, субсидия асосида уй-жой қуриш ва сотишни йўлга қўйган тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш, солиқ имтиёзлари бериш, ер майдонлари ажратишда устуворлик бериш каби механизмлар орқали бунга эришиш мумкин.

Шу боис, партия келгуси беш йилликда субсидияларни ҳақиқатда муҳтож бўлган фуқароларга ўзлари танлаган ҳудуддан уй-жой қуриш ва сотиш учун имтиёзлар ажратиш тизимини такомиллаштириш, бунда субсидия асосида уй сотган тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббусларни илгари суради.

Шу ўринда сайловчилар учун бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида ҳашамадли уй-жойларни барпо этаётган қурилиш компаниялари ва тижорат банклари даромадидан мажбурий ажратмалар эвазига махсус жамғармалар ташкил этиб, ушбу жамғарма ҳисобидан аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари учун ижтимоий турар жойлар қуриш тақлиф этилган.

Маълумки, сўнгги йилларда қурилиш ва банк соҳаларида қонунчилик нормаларининг такомиллаштирилиши, рақобат муҳитининг яратилганлиги минглаб инсонларни ўз уйларига эга бўлишларида муҳим аҳамият касб

этиб келмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ушбу ташаббуси амалга ошириладиган бўлса, сўнгги йилларда энди оёққа тураётган қурилиш соҳаси ривожланишига салбий таъсир қилиб ва соҳада рақобат муҳитининг бузилишига олиб келиши мумкин.



жуд эканлиги аниқланган, 98 тасида 1248 та аттракционлар ноқонуний ўрнатилгани кузатишган.

Қолаверса, истироҳат боғларининг ерларини маҳаллий ҳокимият захирасига олиш ва кейинчалик хусусийлаштириш ёки бегоналаштириш амалиёти кенгайиб бормоқда, натижада янги қайта-қайта кадастр ҳужжатини тузиш орқали боғлар ҳудуди қисқариб кетмоқда.

Шу боис, партия дастурида истироҳат боғлари, болалар оромгоҳлари, сайлоғоҳлар, таълим ва тиббиётга оид давлат объектлари ва уларнинг ҳудудларини сотиш, хусусийлаштириш ёки бегоналаштиришни тақиқлаш, бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик белгилашни тақлиф қилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, баъзи ҳолатларда айрим сиёсий партия томонидан илгари сурилган ташаббуслар қанчалик жозибадор бўлмасин, чуқур таҳлил ва асосга эга бўлмагани учун сайловчилар фикрини чапгитиши мумкин.

Мисол учун, Экологик партиянинг 2030 йилдан пойтахт ва йирик шаҳарларда ички ёнғун двигатели энгил автомобиллар ҳаракатини, 2035 йилдан эса мамлакатда уларнинг сотилишини тақиқлаш ташаббусини оилалик.

Бузувчи кунда мамлакатимизда 4 миллиондан ортқ автомобиль мавжуд. Партия ушбу ташаббуси амалга оlish, бу машиналарнинг тақдирини нима бўлиши, қандай қилиб 2030 йилдан пойтахт ва йирик шаҳарларда ички ёнғун двигатели энгил автомобиль санoати мамлакатимиздаги электромобилларга бўлган талабни қондира оладими, бунда аҳоли даромадидан ва мамлакатдаги инфратузилманинг бунга тайёрлик ҳолати аниқ таҳлил қилинмаган.

Одатда Республиканинг қайси ҳудудига борманг, ким билан гаплашманг, барчада асосий кўтариладиган муаммоларнинг негизи ишсизликка бориб тақалади. Оиладаги келишмовчиликми ёки бирон жиноят содир бўладими, барчасининг асосида ишсизлик, бекорчилик ётади. Шунинг учун ҳам, партия ўз дастурида фуқароларни иш билан таъминлаш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари муҳофазасини кучайтиришга қаратилган бир қатор долзарб бўлган тақлифларни илгари сузмоқда.

Биламизки, бугунги кунда мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигини таъминлашда замонавий талабларга жавоб берувчи профессионал кадрларнинг ўрни юқори. Шу боис, сўнгги йилларда таълим тизимини тубдан ўзгартириш, уни халқро стандартларга мослаштириш, меҳнат бозори талабига мос юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Партияимиз дастурида малакали кадрлар тайёрлаш ва битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бо-

рада салмоқли ишлар олиб борилаётгани баробарида муайян камчиликлар ҳам йўқ эмас. Шу боис, партия олий ва профессионал таълим муассасалари битирувчилари учун "Кафолатланган биринчи иш жойи" лойиҳасини амалга оширишни тақлиф қилмоқда.

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши олий таълим битирувчиларини ишга жойлаштиришга ихтисослашган ва барча учун қулай бўлган, бандлигини таъминлаш бўйича аниқ тартиблар ва ҳуқуқий асосларга эга, талабалар жойлаштириш мумкин бўлган бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар базаси (ягона платформа) яратилиш мақсади қилинган. Бу айни вақтда иш берувчининг ёки кадрларга бўлган қизиқишини оширади. Энг муҳими, йигит-қизлар ўз иш жойларига эга бўлишини таъминлайди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, жамиятда ижтимоий адолатни таъминлашда ёлланма ишчиларнинг иш берувчилар билан ўзаро муносабатларида қонунларга риоя қилинишини таъминлайдиган ва меҳнат мижозларининг олдини оладиган самарали механизмларни жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ёлланма ишчи фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, ёлланма ишлаган даври уларнинг меҳнати иш стажига қўшилишини белгилаш тартибининг жорий қилиниши тақлиф этмоқда.

Таҳлилларга кўра, ҳозирда мамлакатимизда турли хил секторларда меҳнат қилаётган ишчиларнинг 60 фоизи ёлланма ишчилар ҳисобланади. Партия ташаббусининг амалга оширилиши орқали минглаб аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга, қолаверса, солиқ тушувларида муайян иқтисодий ўсишга эришишга хизмат қилади.

Партия мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари ва кичик шаҳарларнинг ривожланишини жадаллаштириш, ҳудудлар ва пойтахт орасидаги кескин иқтисодий ва ижтимоий тафовутга йўл қўймайлик мақсадида шаҳар ва бошқа кўнмаслик объектлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида пиёдалар учун ер усти ўтказгичлар қуришни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг вақтинчи тежаш, манзилга ўз вақтида етиб боришни таъминлаш мақсадида жамoат транспортлари қатновини тартибга солиш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида амалий ишларни ҳаётга татбиқ этишни тақлиф қилган.

Бу қурилмалар йўлни кесиб ўтиш вақтида унинг очик ёки ёпиқ эканлигини товуш орқали одамга билдиради, яъни қурилма светофор чирогининг рангига мувофиқ турли хил товушлар чикаради.

Таҳлилларга кўра, махсус товуш чиқарувчи светофорларнинг ўрнатилиши пиёдалар кесиб ўтиш йўлаклариди содир этиладиган қондабузарликларни Нью-Йорк шаҳрида 15 фоизга, Токио шаҳрида 10-12 фоизга, Сидней шаҳрида 25 фоизга, Берлин шаҳрида 12 фоизга камайишини таъминлашга хизмат қилган.

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОХОТЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ – "АДОЛАТ" СДП УЧУН УСТУВОР ВАЗИФА

Шубҳасиз, ижтимоий адолат тамойиллари устувор давлат барпо этишда, биринчи навбатда, таълим, илм-фан ва инновациянинг аҳамияти жуда катта. Ижтимоий давлатга хос бундай ёндашув, яъни таълим соҳаси бўйича нормалар янгиланган Конституцияда қарийб 2 баробарга оширилди.

Шу боис, партия таълимга инвестиция – бу келажакка инвестиция, халқ фаровонлиги, давлатнинг рақобатдорлигини таъминловчи омил сифатида қарамоқда. Партия улузқис таълим тизимини мунтазам такомиллаштириш, сифатли таълим-тарбия бериш, юқори малакали кадрларни тайёр-

лаш тарафдори. Бу борада таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини ишлаб чиқиш, айниқса, давлат мактабгача таълим муассасаларига тарбияланувчиларни қабул қилиш тартибини қайта кўриб чиқиш, бу борада "очик онлайн рўйхат" ташкил этиш зарур, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, мактабларда ўқитилаётган "Технология" фани ўқувчиларнинг келажак учун ўта муҳим аҳамият касб этишидан келиб чиқиб, ушбу фанни ўқитишни замон талаблари асосида йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, сунъий интеллект асосида "ақлли мактаб" дастурини таълим тизимига жорий этишни тақлиф қилмоқда.

Шу билан бирга, таълим соҳасидаги ислохотларни қўллаб-қувватлашда партия таълим соҳасида меценатликни ривожлантириш учун қонунчиликни такомиллаштириш, тадбиркорлар, компаниялар, шахслар номи билан боғлиқ турли стипендиялар жорий этилишини қўллаб-қувватлайди.

Янги тахрирдаги Конституциямизда ўқитувчи мақоми алоҳида белгиланган бежиз эмас. Зеро, жамиятимизда ўқитувчининг обрўси ошса, бутун миллатнинг обрўси ошади. Шу боис, партияимиз электрoратининг асосий қисмини ташкил этувчи ўқитувчиларнинг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш бундан кейин ҳам доимий диққат-эътиборимизда бўлади.

Маълумки, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси таълимнинг ҳар бир босқичида аҳолининг барча қатлами учун тенг имконият ва шарoит яратиб бериш, олий таълим тизимида имтиёзларни бекор қилиш ташаббусини илгари суриб келмоқда.

ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ВА АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ САРИ

Қонунчилик палатасига номзод ОЙДИН АБДУЛЛАЕВА Овоз бering!

Шу боис, "Адолат" партияси "Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Янги авлод тарбиячи ва педагогларини тайёрлаш Давлат дастури"ни қабул қилиш, шунингдек, педагогикага лаёқатли бор мактаб битирувчиларини саралаш ва давлат буюртмаси асосида ўқишини ташкил этиш ташаббуси олий таълимга қабул қилиш жараёнида маълум бир тоифа манфаатини минглаб бошқа ёшларнинг олий таълим олишга бўлган ҳуқуқларини чекловчи ташаббус деб ҳисоблайди.

Шунингдек, партия дастурида таълимнинг муҳим босқичларидан бири бўлган олий таълим тизимини ҳам изчил ислохот қилиш, хусусан, талабаларнинг турар жойлар билан боғлиқ муаммоларини бартараф этиш мақсадида ҳар бир олий таълим муассасаси ҳузурда талабалар сонига мос "Талабалар турар жой"лари барпо этиш ҳамда олий таълим муассасаларида ўқув сифатини ошириш мақсадида ўқув адабиётлари сифатини яхшилаш, замонавий ҳорижий адабиётларни харид қилиш ва таржима қилиш ишларини тизимли йўлга қўйиш мумкин, деб ҳисоблайди.

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ – УЛКАН БОЙЛИК, ФАРОВОН ТУРМУШ ГАРОВИ

Шубҳасиз, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимида соғлиқни сақлаш соҳаси алоҳида ўрин тутди. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг энг катта бойлиги – халқнинг саломатлигидир.

Шу боис, партия соғлиқни сақлаш масаласига биринчи навбатда ижтимоий вазифа сифатида қарашини ва ҳар бир инсоннинг малакали тиббий хизматдан фойдаланишдек конституциявий ҳуқуқи рўёбга чиқишини кафолатлашини билдирган.

Жумладан, партиянинг тиббиёт соҳасидаги биринчи галдаги вазифа сифатида тиббиёт ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш, шу билан бирга, ошсо ва чекка ҳудудлардаги оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда тор соҳа мутахассислари фаолиятини йўлга қўйишни тақлиф қилмоқда.

Жумладан, дастурда "ақлли тиббиёт" тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиб, тиббиёт соҳасига замонавий ахборот ком-

муникация технологияларини кенг жорий этишни кенгайтириш гоёси илгари суриляпти.

Бундай самарали тиббий тизим ҳамда тиббиёт ходимларини қонун йўли билан ҳар томонлама ҳимоя қилиш жаҳоннинг қатор ривожланган давлатларида, жумладан, Германия, Франция, АҚШ ва Исроилда амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Қолаверса, партия "ақлли тиббиёт" тизими билан бир қаторда "электрон поликлиника" ва "агона электрон анкета" тизимларини йўлга қўйиш, тиббиёт даромад олиш манбаига айланиб қолмаслиги учун нодавлат тиббиёт ташкилотларини "тижорат ташкилоти"дан нотижорат ташкилотига ўтказиш тарафдори.

Ҳозирги кунда республикамизда қўллаб нодавлат тиббиёт ташкилотлари (хусусий клиника ва дорихоналар) фаолият кўрсатмоқда.

Бироқ уларнинг тадбиркорлик субъекти, яъни тижорат ташкилоти сифатида рўйхатга олинганлиги, бир томондан, айрим нодавлат тиббиёт ташкилотларида инсон саломатлигини асрашдан кўра даромад топишининг устуни қўйилишига олиб келмоқда. Иккинчи томондан эса, улар фаолиятини устидан жамoатчилик назоратини ўрнатишга тўсқинлик қилмоқда.

Шу боис, партия нодавлат тиббиёт ташкилотларининг алоҳида ҳуқуқий мақомини қонунда белгилаб қўйишни, яъни уларни "тижорат ташкилотидан" нотижорат ташкилотига ўтказишни тақлиф қилмоқда.

Бу эса келгусида мажzur тиббиёт ташкилотлари фаолияти устидан уларнинг молиявий ҳўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда жамoатчилик назорати тартибда ўрганиш, уларнинг даромад олиш манбаига айланиб қол-



масликларини таъминлаш имконини беради.

Шунингдек, партия ўз дастурида фармацевтика соҳасини тартибга солиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни тақлиф этар экан, бундай тизим энг биринчи галда фармацевтика ва тиббиёт ходимлари орасидаги яширин келишувларга ҳамда дорилар нархининг асосси оширилишига чек қўяди, деб ҳисоблайди.

Шу боис, партия фармацевтика ва тиббиёт ходимлари орасидаги яширин келишув ва ноқонуний мулоқот, фармацевтарнинг тиббиёт муассасаларига гаразли ҳомилигини тўлиқ тақиқлаш, бу каби ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгилаш тарафдор.

Шу билан бирга, партия дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг аҳолига арзон ва қулай бўлишини таъминлаш мақсадида дориларининг ягона электрон базасини шакллантириш ва мамлакат бўйлаб яхлит электрон тизимни жорий қилиш ҳамда дори нархларининг сунъий оширилишининг олдини олиш мақсадида ҳорижий тажриба асосида дори воситаларининг ҳаракатини занжирини кузатиш технологиясидан фойдаланишни йўлга қўймоқчи.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлиги учун бўлиб ўтadиган сайловларда илгари сураётган Сайловолди дастурида юқоридаги каби замонавий социал-демократиянинг халқчил гоёлари миллий қадриятларимизга уйғун равишда синадирилган бўлиб, жамиятда адолат, эркинлик, тенглик ва бирдамлик гоёларини илгари суриш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон – бизнинг умумий уйимиз. Шундай экан, унинг ҳар бир аъзоси эркин, адолатли, тинч ва фаровон яшашга ҳақлидир!

Сиз, азиз сайловчиларини сиёсий майдонга ўзини "сўз марказ" позициясида намоён этиб келадиган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, Вилоятлар, туман ва шаҳар Кенгашларига кўрсатилган номзодаларга, қолаверса, халқчилик ҳамда ҳаётини гоёлари билан ўз ўрни ва обрўсига эга бўлган "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ УЧУН ОВОЗ БЕРИШГА ЧАҚИРИБ ҚОЛАМИЗ!

MUDDATIDAN OLDIN OVOZ BERISH TARTIBI

Saylov kuni o'z yashash joyida bo'lish imkoniyatiga ega bo'lmagan saylovchi muddatidan oldin ovoz berish huquqiga ega.

SAYLOV UCHASTKASIDA MUDDATIDAN OLDIN OVOZ BERISH VAQTLARI:

ISH KUNLARI SOAT

9:00 dan 18:00 ga qadar

DAM OLISH KUNLARI SOAT

11:00 dan 17:00 ga qadar

MUDDATIDAN OLDIN OVOZ BERISHNI AMALGA OSHIRISH UCHUN SAYLOVCHI:

Tegishli uchastka saylov komissiyasining a'zosi o'z shaxsini tasdiqlovchi hujjatni ko'rsatadi;

Muddatidan oldin ovoz berishni amalga oshirish uchun saylovchi saylov kunida bo'la olmasligining sabablari ko'rsatilgan ariza asosida tegishli uchastka saylov komissiyasidan saylov byulletenini oladi;

Saylovchi saylov byulletenini olganligi haqida tegishli uchastka komissiyasining kamida ikki nafar a'zosi hozirligida saylovchilar ro'yxatiga imzo qo'yadi;

Saylov byulleteni maxsus jihozlangan yashirin ovoz berish kabinasida yoki xonasida saylovchi tomonidan to'ldiriladi;

To'ldirilgan saylov byulletenini konvertga soladi va yelimplab yopadi hamda yopiq konvertni uchastka saylov komissiyasi a'zosi topshiradi;

Uchastka saylov komissiyasining ikki nafar a'zosi saylovchi hozirligida konvertning yopiqligini tekshiradi va konvertning yelimplangan joyiga uchastka saylov komissiyasining ikki nafar a'zosi yozingini hujjatni qo'yilib, u komissiyaning muhri bilan tasdiqlanadi.

Konvert saylov kuni ovoz berish tugaganiga qadar uchastka saylov komissiyasining seyfida saqlanadi.

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi va mahalliy Kengashlar deputatlari saylovida muddatidan oldin ovoz berish

16-OKTABR — 23-OKTABR kunlari o'tkaziladi.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ

давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги босқичи

Кейинги йилларда жамиятда, оилаларда зулмга, зўравонликка қарши курашиш борасида кўплаб янги қонунлар, қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Уларнинг тарғиботи кенг кўламда амалга оширилди. Аммо, афсуски, ҳаётимизда зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар камайгани йўқ.

Камолитдин ИШАНХАДЖАЕВ,
Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси Кенгаши раиси

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамкорлигида мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали ишларни амалга ошириб келаётди.

Айни пайтда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармоннинг мазмун-моҳияти, унинг аҳамияти фуқароларимизга, Нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари етказилмоқда. Шу билан бирга, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан қўллаб-қувватланаётган ННТларнинг фаолият самарадорлиги оширилишига аҳамият қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида фуқаролик жамияти институтлари муҳим ўрин тутмоқда. Шу боис, бугунги кунда давлатнинг маълум функция ва вазифаларини фуқаролик жамияти институтларига ўтказиш, уларни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига фуқаролик жамияти институтларига бағишланган алоҳида боб киритилди, улар конституциявий институт сифатида эътироф этилди. "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида ҳам жамоатчилик бошқарувини такомиллаштириш бўйича ислохотлар алоҳида йўналиш сифатида белгиланди. Ўзбекистон тарихида биринчи мартаба 2021 – 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қабул қилинди.

Мазкур бевърий ҳужжатлар асосида олиб беришган ишлар замирида соҳада каттагина олға силжишлар кузатилади.

Ана шундай яратилаётган қулай шароитлар натижасида бугун юртимизда турли соҳаларда қарийб 10 мингта нодавлат ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти то-

монидан имзоланган фармон юқоридаги ислохотларнинг узвий давоми бўлиб, фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва соғлом рақобат тамойилига асосланган тизимини, шунингдек, ижтимоий фойдали дастурлар самарадорлигини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Фармон билан фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш борасида бир қанча янги ислохотлар назарда тутилмоқда. Хусусан, жойларда сақлаб қолаётган долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган ташаббусларни рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро манфаатли ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш, таъсирчан жамоатчилик назорати олиб борилиши рағбатлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг хориждаги ватандошлар билан алоқаларини йўлга қўйиш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан давлат грантлари ва ижтимоий буюртмалари учун муносиб лойиҳаларни танлаб олиш сифати ва шаффофлигини ошириш мақсадида соҳадаги институционал ўзгаришлар қўллаб-қувватланди. Айни масалада, жумладан, Парламент ҳузурида Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилиб, ижтимоий лойиҳаларнинг манзиллилиги таъминланмоқда, бюрократияга чек қўйилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий кенгашлар ҳузурида фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан иборат бўлган маслаҳат гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳар йили давлат органлари ижтимоий буюртма танловларини ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан очик муроқот ўтказиш белгиланган берилди. Давлат органларига фуқаролик жамияти институтларининг ташаббусли ижтимоий шериклик лойиҳаларини БҲМнинг 1000 бараваригача танловларсиз мольялаштириш ҳуқуқи берилди.

Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросига фуқаролик жамияти институтларини ижтимоий шериклик асосида жалб қилишни тизимлаштириш мақсадида энди-

ликда ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси алоҳида дастур қабул қилади.

Фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш мақсадида давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларига фуқаролик жамияти институти вакили раислик қилиши тартибига ўтилди. Давлат грантлари ва ижтимоий буюртма лойиҳаларининг ижтимоий аҳамиятга молик эканлиги эътиборга олиниб, бундай лойиҳалар доирасида даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ставкалари 3 йил муддатга 50 фоизга камайтирилди. Бунда тежалган маблағлар лойиҳа мақсадида йўналтирилади ҳамда уларнинг самарадорлиги орттишига хизмат қилади.

Ногиронлар, фахрийлар, хотин-қизлар ва болалар ташкилотларини тузишни янада енгиллаштириш учун 2025 йил 1 январдан бошлаб шундай ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш учун давлат бож 2 бараварга камайtirилди. Солиқ солинмайдиган хайрия маблағлари миқдори БҲМнинг 100 бараваригача оширилди.

Ташаббускор ва фалол фуқаролик жамияти институтларини моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича ҳар йили декабрь ойининг биринчи ҳафтасида "Фуқаролик жамияти ҳафталиги" ўтказиб борилади. Унинг доирасида Парламент комиссияси томонидан соҳа вакиллари "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишони билан, ҳар икки йилда эса "Фуқаролик ташаббуси" миллий мукофоти билан тақдирланадиган бўлди.

Эндиликда "Олтин қалам" миллий мукофоти учун халқаро танловда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ёритиш йўналишида янги номинация ташкил этилмоқдаки, журналистларнинг айни йўналишдаги хизматлари ҳам тақдирланадиган бўлди. Фуқаролик жамияти институтларига давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмаларини ажратиш билан боғлиқ барча жараёнларнинг шаффофлигини таъминлашга қаратилган ягона электрон платформа ишга туширилиши эса ҳар томонлама қулайлик кафолати бўлаётди.

Энг муҳими, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият бошқарувидаги бевосита иштироки учун янги имкониятларни очиб беради, хусусан, ижтимоий шериклик институтини амалда ривожлантириш бўйича ташкилий ва ҳуқуқий шароитлар яратди, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш таъсирчанлигини оширади.

Орамиздаги одамлар

Хилват жойлар, гўзал масканлардан бой тарихимиз унсурларини излаб, катта шаҳарга қайтган сафар қатнашчилари бир нарсадан ҳайрон бўлиб, донг қотиб қолдилар.

“ДЕҲҚОН” СЎЗИ МАФРУР ЖАРАНГЛАДИ

Муниржон РАҲИМОВ,
талаба

Ҳатто иштирокчилардан бири "Мана, мўъжиза излаб юривдиларинг. Энди ҳайрон қолаверинглар. Ким изох беради?" деб баралла шовқин солди. Чиндан ақл бовар қилмайдиган воқеа содир бўлганди: замонавий пухта-пишиқ автомобилнинг орқа юкхонаси очилмаган, аммо бир сумка... йўқ эди. Ҳамма жойни титқилаб кўришди, машинанинг ўриндиқлари тагига, аммо юк йўқ эди. Барчанинг энаси қотди. Сумка эгасини эса ташвиш босди. "Йўқолган пичоқнинг сопи олтин" деганларидек, қўлдан чиқиб кетган нарсаларни ўйламаслик мумкин эмасди. Ҳужжатлар, калитлар, кийимлар, анчагина пул ва банк карточкалари кўз олдида қолди.

Шу тарзда уч кун ўтди. Сумканинг йўқолгани аниқ эди. Энди биринчи навбатда уйга кириб олиш (темир дарвозанинг калити ҳам сумкада эди), кейин ҳужжатларни тиклаш ташвиши бошни эза бошлади. Хуллас, сафар татимади. Нима бўлганда ҳам шаҳарга қайтиш, ишга киришиш зарур эди. Эртага эрталаб йўлга чиқишни мўлжаллаб, дераза олдида хомуш турганди, Тошкентдан телефон бўлиб қолди. "Халқ банки"нинг масъул ходими Элёржон ўзини таништириб, гап бошлади: "Пластик карталарингизни йўқотганмисиз?". Шу пайт сумка эгасининг кўзи ёришиб кетди. Қисқа мулоқотда ҳаммаси аниқ бўлди.



Шошиб йўлга тушди. Айтилган манзилда чехраси нурли, ёш йигит "қочқоқ сумка"ни қўлида тутиб келарди. Ҳаммаси маълум бўлди: улар қишлоқдан жўнаб, катта йўлга чиққач, юкхона қопқоғи очилган ва юзада турган сумка тушиб қолган. Қизғин, қопқоқ яна олдингидек ёпилган, буни ҳайдовчи ҳам билмаган, ичкаридаги кўзгү ҳам акс эттирмаган, орқадан сигнал ҳам бўлмаган. Узини Дониёр Алиқулов деб таништирган, Яккабоғ туманидаги Қўшчинор қишлоғида яшовчи юрдошимизнинг айтишича, катта йўлнинг ўртасида ётган қора сумкани кўриб, олдин хавфсизроқ, барибир қизғин устун келиб, уни олган ва машинадан тушиб қолганига ишонган. Бирданга йўқотган мол эгасининг аҳволини тасаввур қилиб, эгасига етказишга уринган.

– Айниқса, калитларни кўриб, шошиб қолдим, буюмлар орасидан бирор манзил ёки телефон рақамини излаб бошладим, – дейди Дониёр. – Бир рақам бор экан, улар билмаймиз, дейишди (ҳолбуки, бу катта ташкилотнинг матбуот хизмати бўлиб, улар билан видеокамера бўйича анча тортишишган, бу гуруҳни билишарди). Шунда банк картасидаги рақамга телефон қилдим.

Шунча азият чеккан, ҳолис ёрдамга шошилган инсоннинг ҳимматига тан бермай илож йўқ эди. Ҳолбуки, бошқа бир ёмон одам бўлганда, пулни олиб, қолган нарсани иргитиб юбориши ҳеч гап эмас эди. Дониёрбекнинг инсофу диёнатига таъзим қилиб, ундан касбини сўраганлариди: – Деҳқонман, – деб ўзгача гурур билан жавоб берибди. Шунда бу сўздан атроф ёришгандек бўлди, дейди гувоҳлар. Улуғ китобларда "Энг ҳалол ризқ – деҳқоннинг толгани" деб ёзилган. Бу бежиз эмас экан. Деҳқоннинг ҳалол пешона тери билан юрт обод, у яратган неъматдан қанча тирик жон баҳраманд. Унинг ҳалоллиги, поклиги буюмларга ҳам юксин. Шундай одамлар борлиги учун ҳаётда яшагинг келади...